


ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 46

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Чирчиқ шаҳримизни ичимлик сув билан таъминловчи асосий сув манбаи ҳисобланади. Афсуски дарёни текширган чоғимизда талай кўнгилсизликларга дуч келдик. Келинг, яхшилик бир бошдан ҳикоя қилайлик.

Чирчиқ дарёсининг узунлиги 174 километр бўлиб, у Тошкент, Янгийўл, Чиноздан ўтиб, Сирдарёга қуйилади. Чирчиқ дарёси Тошкент шаҳрининг икки катта sanoat, қурилиш, сув ҳўжалиги вазириликка қарашли корхоналари жойлашган Сергели ва Бектемир туманларини оралаб ўтади. Чирчиқ ҳавзасида жойлашган 36 та кичик-кичик sanoat нуқталари сувнинг экологик вазиятларига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Чирчиқ дарёсига бир йилда sanoat, маиший, ҳўжалик корхоналаридан 14296,55 минг кубометр ифлос сувлар келиб тушади. Булардан ташқари дарёнинг 25 гектарида дала ҳовлилари ва богдорчилик-узумчилик ширкатлари жойлашган бўлиб, у ерларда канализация иншоотлари ўтказилмаганлиги туфайли бир йилда 50 минг кубометр чикинди сувлар қазилма ўраларга туширилади. Тошкент шаҳар аналитик назорат бўлими, бош гидрометеорология маркази, илмий назорат қилиш ташкилотларининг ахборотига биноан шаҳарнинг пастки қисмида сувнинг тарихий ёмонлашганлиги (шаҳарга киргандаги ниобатан) аммоний азоти, нитрат азоти, олти валентли хром, мис ва нефть маҳсулотлари кўпайганлиги аниқланган. Умуман олганда сувнинг ифлослантириш индекси Тошкент шаҳрининг кўйи қисмида 3,1, юқори қисмида 3,4 га тенгдир.

Текширишлар ва назоратчилар ахборотига асосланиб, кейинги пайтлардаги энг долзарб муаммолар деб қўйиладиган айтиш мумкин.

Дарёга оқова сувлар, қавланган ва ютиб юборувчи ўралардан тозаланган сувлар тушадиган манбанинг борлиги; Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг атиги 17 фоизи чикинди сувлар шаҳар канализациясига, 6,2 фоизи эса қазилма ва ютиб юборувчи ўраларга, 76,8 фоизи тўғридан тўғри Чирчиқ дарёсига тушираётган Сергели темир-бетон қурилмалари заводининг автокомбинати бир йилда — 5019 минг кубометр, Бектемир сув тозалаш иншоотлари (бир йилда — 5235 минг кубометр) ва туманлараро коллекторлардир. Бектемир сувни тозалаш иншооти эскирганлиги ва таъмирланмаганлиги учун бир кеча-кундузда 10 минг ўрнига 18 минг кубометр суви тозалашга мутлақо қудрати етмапти.

Бектемир сув тозалаш иншоотларига тушаётган сув бирмунча сифати яхши бўлса, тозалаш сифати эса шундайлигича қолади. Ҳозирги вақтда бу муаммони ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг назорати остида бир кеча-кундузда 15 минг кубометр сув тозалайдиган Бектемир сув тозалаш иншоотининг иккинчи навбати қурилмоқда. Қурилиш ишлари 1986 йилда бошланиб, бажарилиш муддати режа бўйича 1994 йилнинг IV чорағига мўлжалланган эди. Аммо иқтисодий муаммолар сабабли чўзилгандан чўзилиб кетмоқда. Жанубий Сергели sanoat зонасини канализациялаштириш ишини Сергели асфальт-бетон заво-

ди, қурилиш материаллари конструкция заводи, 12-автотранспорт корхонаси, «Тошкент иккиламчи металл» ижара корхонаси, «Иккиламчи рангли металл» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 13-кўприк қуриш гуруҳлари амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кунда керакли асбоб-ускуналарнинг йўқлиги сабабли иш тўхтаб қўйилди.

Дарё ўзанидаги қум ва шағални ишлаши борасида Чирчиқ дарёсининг ичидаги ер, қум ва шағаллардан фойдаланиш Бектемир темир-бетон конструкциялар заводи ва Кўйлик НКМЗ етарли имкониятга эгадир.

Кўйлик НКМЗ карьеры шаҳар ҳудудига ёндашиб ўтган дарёнинг юқори ва кўйи ўзанини ўз ичига олади. Йирик карьер Тошкент шаҳрининг дам оладиган қисмида. Шу

Долзарб мавзуда

ЧИРЧИҚ СУВЛАРИ ТОЗА БЎЛСИН

бошдан бузилган қирғоқларни тўрига олиш зоналарига айлантириш мўҳим аҳамиятга эгадир. Карьердаги ишлар Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва Давлат тоғ-техник назорати органлари билан 1994 йилда келишилган бўлиб, «Тошкент-гидролойihalаш» институти билан ҳозирги вақтгача умумий лойиҳалаш ишларини бажаришган.

Кўп йиллик кўмни 12 метр чуқурликкача ювиб олиниши сувнинг гидравлик тақсимланишини ва чуқурликдаги эрозиянинг бузилишига олиб келяпти. Карьердан фойдаланиш 10 фоизни ташкил этади. Ҳозир бир қатор корхоналарга шағал қавлаб олиш таққиланган. Барибир ўзошимчилик билан дарёнинг табиий ҳолатини, қирғоқ рельефини, ернинг устки қатламини ва тўқай ўсимликларининг табиий ҳолатини бузган ҳолда Тошкент шаҳри ва атрофида қум-шағал қоршмаларини олиш давом этмоқда. Тақдим этилаётган лойиҳалар, тоғ ишларининг режалари ва геологик бойликларга берилган баҳолаш дарёнинг экологик ва гидрогеологик ҳолати инобатга олинмапти. 1994 йилдаги катта зарар келтирган баҳорги сув тошқини бунинг натижасидир.

Маълумки, корхоналар қирғоқ бўйида жойлашиб яхши филтрловчи шағалларга эга бўлсада, лекин ушбу корхоналарда ерга кўйилган нефть ва ёғ маҳсулотларини сизгиллари дарёнинг экологик ҳолатига катта зарар келтиради.

Бу сизгилларни кўз билан назорат қилиб бўлмапти, бунинг натижасида сизгилларда ҳосил бўлган тешиклардан ёнилғининг оқиб кетишининг ўз вақтида олдини олиб бўлмапти. Лекин шундай ҳоллар содир бўлган пайтларда нефть

маҳсулотларининг шағал филтрларининг орасидан ўтиб ер ости сувларига, ундан кейин оқим орқали дарёга тушиши бир неча соатлик ишдир.

Чирчиқ дарёсининг суви ҳимоялаш зонасида шундай ёнилғи сақлаш омборларига бир неча корхоналар эгадир.

Бундан ташқари Чирчиқ дарёсининг санитария-эпидемиология ҳолатининг оғирлашишига, қирғоқ бўйидаги маиший ва sanoat чикиндилари сабаб бўляпти. Айнакча ёз ойларига шу ахлатларнинг чириши хавфли вирусларнинг кўпайишига олиб келади. Агар туманларнинг канализацияланмагани ва аҳолининг артезиан қудуқларидан фойдаланишини инобатга олсак бу гапнинг моҳияти янада ойдинлашади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Чирчиқ дарёсининг суви ҳимоялаш зонасида жойлашган корхоналарни доимий назорат қилиб туради. 1992 йилдан то 1994 йилнинг октябры ойига қадар ушбу корхоналарда 160 дан ортиқ назоратчилар томонидан текширув ишлари олиб борилди. Корхоналарга катта миқдорда жарималар солинди.

Келажақда дарё қирғоғи ва карьерини ободонлаштириш ишларини ягона лойиҳалаш тартибида қўллаш, гидрология шароитларини инобатга олиб, карьерда қанча миқдорда захира борлиги аниқланган ҳолда дарё ўзанидаги қум ва шағалларни сақлаб қолиш керак.

Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари орасидаги масофада карьерларни ишлаши учун ерларни ажратиш фақатгина Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилса, кўз билан назорат қилиб бўлмайдиган ер ости сизгиллари бўлган ёғ-мой маҳсулотлари омбори ва АЁКЛарнинг қурилиши ман этилса, Чирчиқ дарёсининг қирғоқларини тез орада кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишга киришилса, унинг дастурини давлат ўрмончилик кўмитасига юқлатилса, богдорчилик — узумчилик ширкатлари ва дала ҳовлилари учун ер ажратиш фақатгина канализациялаштиришнинг илоҳи бўлган ерлардан берилса, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига катта таъсир этмайдиган корхона ва иншоотларни суви ҳимоялаш зонасидан олиб чиқиш масаласи кўриб чиқилса айна мўддао бўларди.

Атроф-муҳитга келтираётган зарарини камайтириш борасида йирик корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини амалга ошириш учун фоизсиз кредит ажратиш илтимос қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундангина Чирчиқ дарёси сувлари тоза, мусаффо бўларди.

Обиджон МОҲИРОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси илмий-техника тараққиёти ва экологик тарбия бўлими бошлиғи.

Далаларда мезонлар учди. Дарахларга илашган оппоқ толаларга қараган киши беихтиёр билан-билинмас ҳўрсиниб қўяди. Битта-битта учиб тушаётган япроқлар йўлқаларга унсизгина урилади.

Туйғулар

КЎЗ БИЛАН СУҲБАТ



Хаёл олис-олисларга етаклайди. Ахир кеча эмасмики дарахлардан кўртак санаганимиз! Кечатгина эмасмики шигил гулларига олча, ўрик, шафтолиларга ҳавас билан боқганимиз! Бугун бўлса теварак-атрофда қандайдир сокинлик, ҳазинлик ҳўм сураётганини сезади киши.

— Мен келдим! — дейди кўз. — Мен кетдим! — дейди ёз. Табиат ўз юмушини оҳиста бажаряпти. Фақат қорлар ёққанида, дарахлар кўртак чиқарганида, кўнлар қизганида, япроқлар тилларанг бўлганида умр ўтаётгани ҳў қилади киши. Ҳўс қилдию кўзга ҳисобатан дилида жўддек ҳасад уйғонади: кўз-кў тўкин келди. Қаёққа қарама ҳўсилдорликни

кўрасан. Аммо сен-чи? Сен ҳам ўз кўзинг сари тўлиб-тошиб кетаёсанми?

Шунда тилларанг япроқлардан бирини қўлингга олсан. Баҳорда яшил эди у. Қўзда заъфарон. Лекин она замин барғига ҳасрат-надомат билан кетаётгани йўқ. Яшаш умидида, янгиланиш умидида тўпроққа қоршади. Чўнки унинг онаси — дарахт бор. Ҳар баҳорда янгидан бунёд этаверади.

Табиатнинг олмос қондаларидан бири бўлиши яшаш учун кураш — ҳар бир қўмирлаган жону жонзотга маълум. Яшаш учун кураш — бу энг аввало яратиш, меҳнат қилишдир.

Кўз олдимда беихтиёр малла тўн кийган, малла саман минган суворий — олтин кўз намён бўлади.

— Яшаш учун кураш — борни барбод қилиш эмас, — дейди у қалбидан илтижо зўхур этиб. — Не-не азамат дарахлар бор эди. Бугун улар йўқ. Зилло сувларни кўриб яйрарди одам. Қўшларнинг сайроғидан одам чарчоги чиқарди. Қани ўша сувлар. Қани ўша қўшлар?

Малла тўн кийган суворийга бирон зарса деб эътироз қилолмайсиз. Сабаби нилон сувлар ҳам, тўроқ ҳам аллақачон меъридан ортиқ зарарланган. Нафас олаётган ҳавомиз ҳам корхоналар дўдбурунларидан буралиб-буралиб чиқаётган тўтулардан обдон тўйинган.

Малла тўн кийган суворий ўз йўлига кетади. Сизни эса хаёллар гирдобига ташлайди. Ахир яшаш учун кураш деб кўп ҳолларда ўзимизнинг оёғимизга болта уриб қўйибмиз-ку!

Кўз анчайин маҳзун ўларни хотирга солаверади. Сиз ҳам ўйлайверасиз.

— Олтин кўзим, — дейсиз пичирлаб, — энди билиб ишимки қиламан.

Кўз ўтади. Эрта-индин зумрад қиш келади. У ҳам ўтади. Лекин ҳар бир фасл инсон умри абадий эмаслигини эслатиб кетади. Абадийлик эса табиатни севиш, уни ардоқлашдир.

Япроқлар, бирин-кетин ерга тушаётган япроқлар энди худди қалбингизни чимчилаётгандек...

Мезонлар учди. Дарахт шохларига илинган оппоқ толалар — табиатнинг оппоқ ноласидек туюлмайдими сизга?

Ғолиб МИРЗО.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Экология ва саломатлик» тўғрисида қабул қилган қароридан, 1994-1995 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган дастурда саломатликни муҳофаза этиш ва аҳоли генофондини сақлаб қолиш кўзда тутилган. Бунда бир қатор ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилиш зарур, албатта.

Дастур кўйидаги бўлимлардан иборат: атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш; сув ресурсларини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланиш; ўсимлик ва ҳайвонот дўнёсини асраш; чикиндилардан иккиламчи фойдаланиш, жойлаштириш ва кўмиш; култепаларнинг тўзғишини тўхтатиш ва чикиндиларни ишлаши; аҳолига табиий ҳимнат кўрсатишни ривожлантириш; экологик билим ва тарбия.

Ечимталаб

Муаммолар

МУҲИМ ЮМУШЛАР

Саноат ва автотранспорт корхоналари атмосферага йилга 100 минг тонна атрофида заҳарли моддалар чиқармоқда. Бу миқдорни қарийб икки баробар камайтириш имкони бор.


Ҳаво атмосферасининг зарарли моддалар билан бу қадар қучли зарарланишининг асосий сабаби корхоналарда чиқиндисиз технологиянинг йўқлиғидир. Худди шунинг учун ҳам сув ҳавзаларига йилга 300 миллион кубометр ифлосланган оқова сувлари қуйилмоқда. Ҳолбуки, сув инсон саломатлигига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шаҳар аҳолисининг яшаш шароити мавжуд сув ресурсларининг миқдори ва сифати бевосита боғлиқ бўлиб турибди. 1995 йилда тоза суви тежашни таъминлаш, ифлосланган оқова сувларнинг суви ҳавзаларига қуйилишини камайтириш, коллектор-дренаж сувлари тўпланишини тартибга солиш катта ишлардан биридир.

Ўсимлик ва ҳайвонот дўнёсини муҳофаза этиш соҳасида ўрмонларни, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни сақлаш, балиқ захираларини кўпайтириш ишлари қўзланган.

Чикиндилардан иккиламчи фойдаланиш, жойлаштириш ва уларни кўмиш мақсадида шаҳар туманларида қайта ишлаш заводлари ва ахлатхоналар, шунингдек яроқсиз ва тақиқланган кимёвий моддалар учун махсус захар қабристонларини яратиш зарурдир. Соғломлаштириш-профилактика ишларини яхшилаш, шифохоналарда марказлаштирилган канализацияни ўрнатиш, маҳаллий тозалаш иншоотларини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз тилаб олиб ўтган экологик муаммолар ва одамлар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳоли турмушининг ижтимоий-экологик шароитларини яхшилаш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади. Бу муаммоларни ҳал этишда эътиборимизни мактаб ўқувчиларига экологик билимларни кўрсатмалар, тавсияномалар ва амалиётлар, экологик соатлар ўтказиш йўли билан кенг тарқата олишимиз экологиямизни яхшилаш йўлида қилинган юмушларнинг муҳим қисми бўлади.

Наргиза ЁДҒОРОВА, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси илмий-техника тараққиёти ва экологик тарбия бўлими мутахассиси.



Кўзнинг ўзига ҳос белгиларидан бири — бу булутли кўнлар, булутли оқшомлардир. Ҳавони қоқлаган қора булутлардан ётиб қўйилган, олам худди чўмилгандек бўлади.

Миртемир Қодиров сурати.

Шеърлий лаҳзалар

ОРОЛ ТУВАЙДАҲИ КЕМА

Сен кemasен, кemasен, Орол қани дeма сен, Орол кeтди узоқлаб, Сени бунда тuzоқлаб.

Орол асли кетмасди, Сени гариб этмасди. Не қилсин у бечора, Қолмади ўзга чора.

Умид қил, бўлмаганин Бўлдиради одамлар, Жазм қилса Оролни ҳам Тўлдиради одамлар.

ЧУВАЛЧАҲИНИНГ АЙИТЛАРЛАРИ

Бобо дeҳқон ишига, Мададқору ёр эдик. Бизлар пахта далада, Авваллари бор эдик. Минг бир хилда дорилар, Солди бизларга қирон, Ер бағрини тўддириб,

Эзди бизни беомон. Ҳар бир жонзот ўз ўрнида, Табиатнинг боласи. Тўтиб ётди кўкни ҳам, Неча йиллар ноламиз, Ҳайриятки, эсан чоқ Истиклолнинг шамоли,

Чек қўйилди, энди асло, Кўрмағимиз заволни. Табиатнинг қўйинда, Яшаймиз эркин-эркин, Омон бўлса сув, замин, Ҳаёт ҳам бўлғай тўкин. Ҳусан АҲМЕДОВ.

Текширишда аниқланди

ОЛФА СИПЖИШ ЙЎҚ

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан август ойида табиатни муҳофаза қилиш қўну-қонидарига риоя қилиш ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ишлар қай даражада эканлигини билиш учун 64 корхона, ташкилотларда 65 та текширув ўтказилди.

Назоратчилар 1049 та ҳавога чикинди чиқарувчи манбаларни аниқладилар. Шундан 437 тасидан зарарли моддалар чиқаётгани таъкидланди. Яна 131 таси эса тозалаш ускунаси билан жиҳозланган, 27 таси эса тозалаш ускунаси билан жиҳозланганини талаб этади.

Август ойи давомида қўнубузарликка йўл қўйган корхоналарнинг 13 рақбар ва ҳодимига 3850 сўм миқдорда жарималар солинди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида корхоналарга назоратчилар томонидан 238 йўриқномалар берилди. Аввал берилган 184 йўриқнома бўйича корхоналар ишларини тўла-тўқис бажарган.

Ой давомида қўнубузарликка йўл қўйган 4 та корхонанинг сизгилларини тўхтатишга кўмитанинг қарори чиқарилди. Жумладан, «Узпасть» ички корхонасининг пластмасча маҳсулотлар чиқарадиган цехи беркитиб қўйилди. Сабаби олдин, қўну-тадан руҳнатнома олинмаган. «Узгўштсуммасустрас» автокорхонасида ҳам 3 та автомобиль тўхтатиб қўйилган, чўнки уларнинг ёнилғи қўзи тизимини носоз бўлиб қичқиди.

Абразив заводиде асфальт тайёрлаш агрегати тўхтатилганга чанг тозалаш жиҳозларининг ноқоблиги сабаб бўлди. «Аустент» ички корхонасида ҳам дробмет камерасининг иши тўхтатилган.

Қурилаган чора-тадбирларнинг барчаси она табиатимизнинг тозаллигига ўзининг. Бунинг ҳар бир корхона аҳли қалбдан англаб етиши керак.

Раъно НЕЪМАТУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходими.

Мубарро опа табиатдан қувноқ, сергайрат, фидойи аёл. Опа билан сувбатлашар эканми, унинг элик бешини қаршилаганларига сира ишонганимиз келмади. Бугунги кунда софилтигиз гузал табиатининг софилтигиз учун жон қуйдириб, югуриб-елиб юрган инсонлардан бири ҳам ана шу аёл бўлади. Опанинг таржимаи ҳоллари аскарият ўзбек қизлариникига жуда ўхшаб кетади ва шунинг билан бирга ўзига ҳос жихатлари ҳам киши эътиборини жалб этмай қолмайди.

Шаҳри азин Тошкентнинг қок марказида, аникроги Шайхонтоҳур туманида тутилган Мубарро опа қомил, серфарзанд оилада воғая этди. Опанинг кенжаси бўлиши Мубарро бошқа болалардан ўзининг ҳаракатчанлиги, тиниб-тинчимас ва зўкқолиги билан ажралиб туради. Гултибларни, жонзотларни, умуман табиатни жуда севадир. Мактабда эса шунга яқин фанларга илоси бўлача эди. Табиатан мураккабликка ўрганган ўн етти яшар қизча ҳужжатларини ўша пайтда ота-онани, талабалар ўқушларининг энг оғирли деб санаган Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институ-

тининг автоматика ва телемеханика алоқаси бўлимига топширди. Ҳар пайтда бу бўлимига кириб ўқиш учун ҳақиқатан ҳам жуда кам қизларнинг юраги дов берарди. Уқини муваффақиятли тамомлаган Мубаррони му-



тахассислик тақсими то бўйича Каттакўрган шаҳрига ишга юборишди. Ишни шаҳар фуқаро алоқа ўзелига электромеханика соҳасидан бошлаган Мубарро ишининг қўзини билган моҳир мутахассис сифатида ҳам-касблари орасида тезда ҳурмат қозонди. Айнакча Каттакўрган шаҳри билан йнчнка қони ора-

лигидаги алоқа тармоқлари ўз-либ қолганда эш, нозикина Му-барронинг билимдонлигига, қўчи ирдосига қўнчилик тасан-нор айтганди. Ахир қишининг изгиринли, қор гулпа-гулпа ёғиб турган кунда узилиб кетган алоқа тармоқларини қайта тўзатишининг ўзи бўлмайдими! Му-ҳандис, катта муҳандис, сўнгра лаборатория бошлиғи вазифа-сига тайинланган Мубарро опа-

Жонқуярларимиз УМР ҚАРВОНИ

1985 йил Дeҳли шаҳрида бўлиб ўтган меҳнатни муҳофаза-лаш бўйича қасаба уюшмалари-нинг жаҳон конференциясида иштирок этган Мубарро Жонқу-яева ўзбек халқи учун масъул эканини дил-дилдан ҳис эта-ди. Опа илм-фан борасида чу-қур билимдон эканини ҳисобга олиб 1988 йилда уни шаҳар та-биатни муҳофаза қилиш кўми-тасининг илмий-техника тарақ-қийети ва экологик тарбия бў-лимига етакчи мутахассис этиб тайинлашди. Шу кундан бошла-б қасаба, мактабларда эколо-гик тўлқинчани шакллантириш,

Назoкат УСМОҲОВА.



Армияга кузги чақирик олдидан

ШАРАФЛИ БУРЧ

Яқинда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бўйича бош бошқармасининг баҳорги чақирик якунлари ва кузги чақирик олдидан турган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда шаҳар мудофаа ишлари бўйича бош бошқарма бошлиғи, чақирик комиссия раиси Фарход Рустамов сўзга чиқди. У баҳорги чақирик якунларини атрофлича таҳлил қилар экан, йўл қўйилган нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтди.

лозимлигини таъкидлаб, бу соҳадаги камчиликлар ҳақида ҳам сўзлади. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўсмирлар гуруҳи бўлими бошлиғи Гулдона Умарова туманларда ёшларни тиббий қўриқдан ўтказиш соҳасидаги муаммолар ҳақида, уларни ҳал этиш масалалари тўғрисида гапирди. Бу ишни бугунги кун талаблари даражасида ташкилотлар, туман ҳокимликлари олдидан турган вазифаларга йиғилиш катнашчилари эътиборини қаратди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев янлар экан, кузги чақирик олдидан турган вазифаларга йиғилиш катнашчилари эътиборини қаратди.

— Ҳар бир давлат ўзини-ўзи ҳимоя қила олсагина мустақил давлат ҳисобланади, — деб таъкидлади у. — Шунинг учун маҳалла оқсоқллари, мактаб жамоалари, ота-оналар ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишлари, мамлакатимиздаги сиёсий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга бутун куч ва имкониятни сафарбар этишлари керак.

Йиғилишда суд, прокуратура, ички ишлар идоралари, тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқллари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари катнашдилар.

Мастура МИРЗАЕВА.

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Мардлар қуриқлайди Ватанни

ПОСБОНЛАР

Ҳарбий хизмат даври ҳаёт мактаби, чиникиш мактаби деб беҳиз айтилмаган экан. Бу ерда ҳар бир ёш жисмонан чиникиш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам баркамол инсон сифатида шаклланиб экан.

МУНОСИБ УРИНБОСАРЛАР

Пропорщик К.Хайитбоев бошчилик қилаётган взвод аъзолари Мустақиллик кўнини барча курсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришган ҳолда кутиб олдилар. Олдимизда дастлабки ўқиш мавсуми натижаларини текшириш вазифаси турибди. Шунга ишончимиз қомилки, бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтамиз.

Яқинда Раҳимжон хизмат қилаётган бўлимда парашют билан сакраш бўйича машқлар бўлиб ўтди. У командирларнинг қўрсатмаларига тула амал қилиб, топшириқни муваффақиятли бажаришга эришди. Бундан руҳланган жангчи топшириқнинг барча босқичларини шу соҳа талаблари даражасида адо этди.

ОПҚИШ

Қисимимизда оддий аскар Владимир Чориев муддатли хизматни ўтамоқда. У ўз зиммасидаги маъсулиятни вазифаларни шараф билан бажариб кўпчилигининг хурмат-эътиборини қозоняпти. Худди мана шундай аскарлар она-Ватанимиз Куролли Кучлари қудрати ва шон-шухратини ошириши йўлида сидқидилдан хизмат қилишяпти.

НАМУНА

Оддий аскар Раҳимжон Қодиров Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қила бошлаганига ҳали қўп вақт бўлгани йўқ. У меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги туфайли хизматдошлари ва командирлар олдидан обрў қозонди. У барча топшириқларни ўз вақтида бажариб қўлларига намуна бўляпти.

Ш.МУҲАМЕДОВ, лейтенант.

Яқинда В.Чориев ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Қисм командирлиги унинг ота-онаси номига оқил ва ватанпарвар фарзандни тарбиялаганиликлари учун миқнатдорчилик мактуби йўллади. Ана шундай замундаги хат Юнусов туман ҳокимлигига ҳам юборилди. Унда ҳокимлик мудофаа бўлими Куролли Кучлар сафларига муносиб ўринбосарлар тайёрлашга хисса қўшаётгани алоҳида таъкидланган.

А.ХАН, оддий аскар.

А.АСАДОВ, оддий аскар.

В.МИРОНОВ, майор.

ШАҲАРЛАРО ВА ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИНГ! Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари шаҳарларининг КОДЛАРИ

Table with 3 columns: йўналиш, код, маълумот бюроси. Lists phone codes for various cities in Uzbekistan and CIS countries.

ВИПОЯТЛАРДАГИ ШАҲАРЛАР ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИНИНГ КОДЛАРИ:

Large table listing phone codes for cities and districts in various regions of Uzbekistan, including Andizhon, Namangan, Fergana, etc.

Шаҳарларо ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

Автоматлаштирилган шаҳарларо телефон алоқаси... Қимматли телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари ва тарифлари.

ВИПОЯТЛАРДАГИ ШАҲАРЛАР ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИНИНГ КОДЛАРИ:

Table with columns for region names (e.g., Кострома, Нерехта, Мантурово) and their corresponding codes.

Table with columns for region names (e.g., Кичкинор, Кировград, Краснотуринск) and their corresponding codes.

Table with columns for region names (e.g., Кирми, Ржев, Удомля) and their corresponding codes.



Tashkent '95 Uzbekistan 30.IX - 9.X.1995

«АЛПОМИШ» 18-ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАХТ

Кейинги пайтларда том маънода шахримизда спорт ҳаёти қайнамоқда. Президент кубоги, Марказий Осиё ўйинлари каби йилларга мусобақаларнинг мантиқий давоми сифатида 1 октябрдан «Алпомиш» спорт саройида яна бир аjoyиб, кенг қўламадаги спорт баҳси — бокс бўйича 18-Осиё чемпионати бошланади.

— Албатта «Алпомиш» спорт саройи Марказий Осиёдаги энг нобел спорт иншоотларидан биридир, — дейди Абдурашид ака. — Уз вақтида унинг республикаки спорт ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти катта бўлган. Ҳозир саройнинг илгариги мавқеини тиклаш йўлида бор куч-ғайрат ва имкониятларимизни сарфлаётимиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг мураккаб шароитларида бунинг учун давлат томонидан ажратилган маблағларга қўшимча равишда ўзимиз ҳам ҳаракат қилиб маблағ ишлашимиз керак. Қувонарли томони, 1-Марказий Осиё ўйинлари арасида «Тошкент-тўйбой» корпорацияси томонидан саройда 1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда бизга «Техноэксп», «Экзект», «Полароид» каби хорижий ва қўшма корхоналар ҳоимлик қилиши.

матбуот маркази, тиббий ҳонаси, пресс-барлар жихозланиб мусобақага тахт қилиб қўйилди. «Рассом» бадий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташқарига қўйилган Осиё чемпионатининг эмблемаси тайёрланди. Спорт мусобақаларини овоз қўяётиргич ва бошқа анжонлар билан жихозлаш учун ҳам керакли билан бажарилиди. Муҳлислар учун мусобақанинг очилиши, ёпилиш маросимларини ўтказиш, танлафус пайтларини мушаккал тўғрисида махсус концерт дастури тайёрланди. «Ўзбекисавдо» ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда қандолат махсулотлари, яъни ичимликлар махсулотлари савдоси уюштирилмоқда. Бундан ташқари сарой атрофида ободонлаштириш, тозалаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Республика бокс федерацияси бошчилигида чемпионат учун афшлар, таклифнома, медаллар ва кўркак нишонлари тайёрланди. Чет эллардан келадиган меҳмонлар, матбуот ходимлари учун теле-тайп, корекс, умуман, барча халқаро алоқа воситалари ўрнатилган. Спортчилар ва мутаассадиларга хизмат кўрсатиш учун керакли транспорт воситалари ажратилди. Таржимонлар ҳам турнирга шай. «Совласти-



ИЛК ҚАДАМ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Бир неча кундан сўнг «Алпомиш» спорт саройида очилган бокс бўйича 18-Осиё чемпионатида қатнашиш учун бутун Осиёда жойлашган 20 дан ортиқ давлатдан спортчилар етиб келиши. Уларнинг ичида аздал кўп халқаро мусобақа азалларда мунтазам қатнашиб келадиган Хитой, Япония, Шимол-Шарқий Африка, Филиппин, Индонезия, Таиланд ва корейлик спортчилар ҳам кичик вазн тоифаларида шуксаннинг юқори поғоналари учун жиддий кураш олиб боришлари мумкин.

Республикамиз вакиллари чемпионат дастуридаги 12 вазн тоифасининг ҳаммасида рингга чиқадилар. Мана улар: 48 килограмм вазнда Дилшод Йўлдошев (Фаргона) — 1-Марказий Осиё ўйинларининг чемпиони, жаҳон биринчилигининг бронза совриндори. 51 килограмм вазнда Аҳмедов (Тошкент шаҳри) — 1993 йил Филиппинда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш совриндори, «Яши ният ўйинлари» (Пётербургнинг бронза медали соҳibi). 54 килограмм — Темурутдинов (Андижон шаҳри) — 5и,

тал» қўшма корхонаси эса саройга янада кўрқ бағишлаш ниятида ўзининг аjoyиб гулдасталарини тақдим этди.

Энг муҳими, Таиланддан жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган янги ринг олиб келиб ўрнатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев бошчилигида барча масалаларни зудлик билан ҳал этиш мақсадида тузилган ташкилий қўмита мунтазам фаолият кўрсатиб турибди.

Умуман, Республикаимизда бокс ишқибозлари жуда кўп ва у узоқ ва бой анъаналарга эга спорт турларидан биридир. Шу сабабдан турли вилоятлардан ҳам спорт саройида қизқарди бокс беллашуларини томоша қилиш учун кўплаб буюртмалар тузатипти. Дарҳақиқат, аjoyиб безатишган саройда бокс мусобақаларини бевосита томоша қилиш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Шу сабабдан ишқибозлари мароқли хордиқ чиқариб, шиддатли бокс баҳсларини томоша қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган «Алпомиш» спорт саройига таклиф этамиш.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

истеъдодли боксчи.

57 килограмм — Улугбек Иброҳимов (Навоий шаҳри), Дилшод Каримов (Жиззах).

60 килограмм — Мухаммадқодир Абдуллаев (Андижон) — 1-Марказий Осиё ўйинларининг қолиби. Норкул Султонов (Тошкент).

63 килограмм — Патидин Курбонов (Фаргона) — республика мусобақалари совриндори. Зивидудин Тойғонбоев (Андижон).

67 килограмм — Наримон Отаев (Когон) — жаҳон кубоғи қолиби. 12-Осиё ўйинларининг бронза совриндори, 1-Марказий Осиё ўйинлари қолиби.

71 килограмм — Карим Тулганов (Тошкент вилояти) — 1-Марказий Осиё ўйинлари қолиби.

75 килограмм — Дилшод Ербеков (Самарқанд) — жаҳон чемпионати ва 12-Осиё ўйинларининг бронза совриндори.

81 килограмм — Темурутдинов (Урганч) — жаҳон кубоғининг бронза совриндори. Сергей Михайлов (Андижон) — ёшлар ўртасида республика чемпиони.

91 килограмм — Алишер Азиев (Хўжайли) — 12-Осиё ўйинлари чемпиони. Руслан Чағалов (Андижон) — 1-Марказий Осиё ўйинлари қолиби.

91 килограммдан юқори вазнда — Жамол Сайфуллаев 1-Марказий Осиё ўйинлари совриндори.

Айни вақтда боксчиларимиз «Меҳнат захиралари» спорт мажмуиди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Шин раҳбарлигида тайёргарлик машқуларини ниҳоясига етказмоқдалар.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

Advertisement for 'Mushkent' newspaper, including contact information and subscription rates.